



THE EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES IN THE PREVENTION OF SUICIDE OF WOMEN

Normatova Shirin Abdulnabievna

Tashkent City, Internal Affairs

The main office is the XPB office

Deputy chief, lieutenant colonel

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11030041>

ARTICLE INFO

Received: 13th April 2024

Accepted: 21th April 2024

Online: 22th April 2024

KEYWORDS

Women, crime, victim, damage, latency, cause, person, behavior, prevention, foreign countries.

ABSTRACT

This article analyzes the experience of foreign countries in preventing suicide of women. Also, the article examines information on specific aspects of women's victimization in foreign countries.

ОПЫТ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН ПО ПРОФИЛАКТИКЕ СУИЦИДА ЖЕНЩИН

Норматова Ширин Абдулнабиевна

Ташкентский городской отдел внутренних дел

главный офис — офис ХРВ заместитель начальника, подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11030041>

ARTICLE INFO

Received: 13th April 2024

Accepted: 21th April 2024

Online: 22th April 2024

KEYWORDS

Женщины, преступление, потерпевший, ущерб, латентность, причина, личность, поведение, профилактика, зарубежные страны.

ABSTRACT

В данной статье анализируется опыт зарубежных стран по профилактике самоубийств среди женщин. Также в статье рассматривается информация об отдельных аспектах виктимизации женщин в зарубежных странах.

АЁЛЛАРНИНГ ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Норматова Ширин Абдулнабиевна

Тошкент шаҳар, Ички ишлар

Бош бошқармаси ХПБ бошқармаси Бошлиғининг ўринбосари, подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11030041>

ARTICLE INFO

Received: 13th April 2024

Accepted: 21th April 2024

Online: 22th April 2024

KEYWORDS

Мазкур мақолада аёлларнинг ўз жонига қасд қилишнинг олдини олишда хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада



Аёллар, жиноят, хорижий давлатларда аёллар виктимлигининг ўзига
жабрланувчи, зарар, хос жиҳатлари юзасидан маълумотлар ҳам
латентлик, сабаб, шахс, хулқ– ўрганилган.
атвор, профилактика,
хорижий давлатлар.

Аёлларнинг ўз жонига қасд қилишнинг олдини олишда хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил этадиган бўлсак, масалан, Буюк Британияда 2017 йил 22 февралда зўравонлик ва ўз жонига қасд қилишни олдини олиш мақсадида “Оиладаги зўравонлик: Британия кўзгусида” номли Қонуни қабул қилинган. Буюк Британияда ҳар ҳафта икки аёл ўз турмуш ўртоғининг ҳаракатлари сабабли ўз жонига қасд қилган¹.

Буюк Британияда қабул қилинган қонунчиликка кўра, эри томонидан оиладаги зўравонликдан жабрланган аёл, эри билан ажрашишни талаб қилган. Агарда у эри билан ажрашмаса, ундан болани ҳомийлик ва васийлик органлари олиб қўйиши мумкин бўлган. Ушбу қонунлар эса, мавжуд вазиятни янада оғирлаштириб, кўпгина жиноятлар латентлигича қолган. Британияда ишонч телефонлари мавжуд бўлиб, улар нафақат аёллар ва болаларга, балки жабр кўрган эркаклар учун ҳам фаолият юритган².

Бундан ташқари, АҚШда 1991 йилда “Аёлларга қарши зўравонлик ишлатишга қарши кураш тўғрисида”ги, АҚШ Конгресси томонидан эса 1994 йилда “Аёлларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш ҳақида”ги (the Violence Against Women Act) Қонуни қабул қилинган бўлиб, уннинг мақсади ушбу тоифадаги жиноятларнинг олдини олишдан иборат бўлган. Ушбу қонунга асосан, оиладаги зўравонлик қурбонлари учун 1,5 мингта марказлар ташкил этилган.

Масалан, АҚШ Конгресси томонидан қабул қилинган 1994 йилдаги “Аёлларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш ҳақида”ги Қонуни (the Violence Against Women Act)га асосан миллий “мурожаатлар линияси” ташкил қилиниб, ушбу жараёнларга 1,6 млрд. пул ажратилган ва улар махсус полиция, прокуратура ва суд тизими ходимларини тайёрлашга сарфланган³.

Бундан ташқари, МДХ давлатларида ҳам оиладаги зўравонликлар натижасида ўзини ўзи ўлдиришнинг олдини олиш бўйича бир қанча қонунлар қабул қилинган. Масалан, Қирғизистон Республикаси 2003 йил 25 мартда “Оилада зўрлик ишлатишдан ижтимоий-ҳуқуқий муҳофаза этиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилган.

Қирғизистон Республикасининг “Оилада зўрлик ишлатишдан ижтимоий-ҳуқуқий муҳофаза этиш тўғрисида”ги Қонунинг 1-моддасида таъкидлангандек, унга асосан жабрланганларга ҳимоя ордери берилган.

¹ Wonders Lists. <http://www.info.islom.uz/jamiyat/item/2017-zhinsij-zoravonlik-avzh-olgan-mamlakatlar-10-taligi.html>.

² Wonders Lists. <http://www.info.islom.uz/jamiyat/item/2017-zhinsij-zoravonlik-avzh-olgan-mamlakatlar-10-taligi.html>.

³ The Criminologist – Online newsletter of the American Society of Criminology (CША) – <http://www.asc41.com/criminologist.html>; Тўраева Д.Р. Жабрланувчи манфаатларини ҳимоя қилишда АҚШ тажрибасига оид баъзи мулоҳазалар // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ахборотномаси, 2013, – №2. –Б.93.



Ҳимоя ордери – процессуал юридик ҳужжат оиладаги зўрлик ёки унинг таҳдидидан жабрланганларга давлат ҳимоясини таъминлайдиган ва зўрликни содир этган ёки содир этиш билан таҳдид қиладиган шахсга мазкур Қонунда кўрсатилган таъсир чоралари кўринишидаги огоҳлантирувдир.

Қозоғистон Республикасини олиб кўрадиган бўлсак, 2016 йилда ўзининг ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиқиб, 2030 йилгача бўлган “2030 йиллар учун Оилавий ва гендир сиёсати тўғрисида”ги Концепциясини ишлаб чиқиб, ушбу концепцияда оиладаги барча зўравонликларга қарши кураш масалалари назарда тутилган.

Бундан ташқари, Қозоғистон Республикасида 2024 йилда оиладаги зўравонлик жиноят деб ҳисобланувчи қонун қабул қилинди.

Қонун уриш ва қасддан баданга енгил шикаст етказганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутати, шунингдек, соғлиққа қасддан ўртача ва оғир шикаст етказганлик учун жазони кучайтиради. Бундан ташқари, вояга етмаганларга нисбатан жисмоний зўравонлик ва шафқатсиз муносабатда бўлиш билан боғлиқ жиноятларда томонларнинг ярашуви эҳтимоли истисно қилинган.

Тузатишлар вояга етмаганларни ўлдириш, зўрлаш ёки жинсий тажовуз учун фақат умрбод қамоқ жазосини назарда тутати, 16 ёшга тўлмаган шахсларни “жинсий алоқага чорлаш” учун жиноий жавобгарликни ўз ичига олади. Ўз жонига қасд қилишга олиб бориш ва бунга ундаганлик учун озодликдан маҳрум қилиш, суицидни тарғиб қилганлик учун эса жарималар назарда тутилган.

Беларусия Республикасида 2014 йил 4 январда “Оиладаги зўравонлик тўғрисида”ги қонун қабул қилинган бўлиб, ушбу қонунда оиладаги зўравонлик деб “Оила аъзоларига бошқа оила аъзолари томонидан жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонлик ишлатилиши натижасида унинг ҳуқуқларининг бузилиши, озодлигини чеклаши, ҳуқуқий қизиқишининг сунлиши, жисмоний ва руҳий тушкунликка тушишига сабаб бўлиши” тушунилан.

Армения Республикасининг 2017 йил 16 октябрда қабул қилинган Арменияда “Оиладаги зўравонликка қарши кураш тўғрисида”ги ёки “Арман оиласида ишлатиладиган зўравонликларнинг янги кўринишлари тўғрисида”ги қонунлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу қонунларни қабул қилиш кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлган.

Хорижий давлатларда низоли оилаларни яраштириш мақсадида “Оилавий медиация” муҳим аҳамиятга эгадир.

Масалан, Франция давлатида 1980 йилларида Оилавий медиация институти шакилланиб, бу институтда оилавий низолар ҳал этила бошланган⁴. Бундай медиацияда никоҳ ва ажралиш, мулкни бўлиш масалалари ҳал этилган⁵.

Шунингдек, Франциянинг № 95-125 -сонли қонунига асосан 1996 йил 22 июлда оилавий низоларни медиация йўли билан ҳал этиш белгилаб берилган. 2002 йил 4

⁴ D. Macfarlane, ‘Mediation in France’ in N. Alexander (ed.), *Global Trends in Mediation* (Netherlands: Kluwer Law International, 2006) – p. 200.

⁵ такие как Association pour la Promotion de la Mediation Familiale (AMPF), Federation Nationale de la Mediation Familiale (FENAMEF).



мартда № 2002-305-сонли қонунинг 373-2-10- моддаларига асосан оиладаги келишмовчиликларни ҳал этишда ота-оналар билан келишилган ҳолда судъя судда медиаторни чақриши мумкинлиги назарда тўтилади⁶.

Бундай институт ривожланган бошқа давлатларда ҳам мавжуддир. Хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолди бизнинг фикримизча, республикамызда оилавий низоли масалаларни ҳал этишда хорижий далаатлар сингари “*Оилавий медиация*” институтларидан фойдаланиш лозим.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, оилаларни сақлаб қолишда нафақат суд, балки ФХДЁ, ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги яраштирув комиссиялари, маҳаллий давлат ҳокимиятининг бошқа органларининг масъулиятини янада ошириш лозим ва бу органларнинг оилаларни сақлаб қолишга эътиборсизлиги учун мансабдор шахсларга маълум белгиланган жавобгарлик юклатилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу эса, давлат ва жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланмиш оилаларнинг барбод бўлишининг олдини олишга маълум даражада ижобий таъсир этади, деган умиддамиз.

Бундан ташқари, аёлларни ўз жонига қасд қилишнинг қурбонларини ўрганиш уларга нисбатан содир этилган жиноятларнинг латент бўлиб қолишининг сабабларини аниқлаш имконини ҳам беради. Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадида аёлларни ўз жонига қасд қилишдан жабрланганларни ўрганиш уларнинг шахси ва хусусиятларни аниқлашни ва ушбу маълумотларни атрофлича таҳлил этишни тақозо этмоқда.

Виктимологик профилактика шахсни жиноий хавфдан огоҳлантиради ва уни ўз хулқ-атворини ўзгартиришга ундаш орқали унинг ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ва ўзини ўзи ўлдиришга ундаганлик жиноятининг қурбони бўлиш хавфини камайтириш мақсадида амалга оширилади. Профилактика чора-тадбирлари шахсни жиноий ҳужумдан ҳимояланишга, ўзгаларнинг хатоларидан сабоқ олишга чорлайди, шахс қанчалик криминалогик муҳитда ўзини ҳимоя қила олса, унинг жабрланувчига айланиш хавфи шунча камаяди.

Аёлларни ўз жонига қасд қилишда жабрланувчиларининг хулқи, одоби, ахлоқи, маълумоти, маънавияти, руҳий ҳолати каби шахсининг хусусиятлари ҳақидаги кўрсаткичлар кўпинча бир-бирига яқин ҳисобланади⁷.

Салбий хулқ-атворли, маълумот даражаси, маънавияти паст, ижтимоий-руҳий ҳолати бузилган одамлар ўз эҳтиёжларини қондириш йўлида жиноят қурбони бўлиш хавфи мавжуд бўлсада, ўз қилмишларини давом эттираверадилар. Табиийки, бундай кишилар турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликлар, жумладан жиноят содир этиш билан бирга аксарият ҳолларда жабрланувчига ҳам айланиб қоладилар.

Масалан, ўзини ўзи ўлдириш жиноятлари қурбонларининг 48,9 фоизи, қасддан баданга шикаст етказилганларнинг 50 фоизидан ортиғи ва зўрлик ишлатиб номусига тажовуз қилинган аёлларнинг 49 фоизи ўзларининг салбий хулқлари, яъни ҳақоратлаш, туҳмат қилиш, енгилтаклик, ичкиликбозлик каби қилмишлари билан ўзларига

⁶ Circular No. DGAS/4A/2002/376, <www.unaf.fr/article.php3?id_article=819>.

⁷ Хаткова Ф.Х. Виктимологические аспекты женской преступности. Автореф. дисс...канд.юрид. наук, -М.: 2004. – С.186.



нисбатан жиноий тажовузлар содир этилишига сабаб бўлганлар ёки бундай жиноятлар содир этилишига қулай шарт-шароитлар яратиб берганлар⁸.

Аёлларни ўз жонига қасд қилишда жабрланувчи бўлишга мойилликни тақозо қилувчи шахснинг хислатлари ва хулқи билан ижтимоий қилмиш ўртасидаги сабабий алоқадорлик эҳтимолли хусусиятга эга.

Аёлларни ўз жонига қасд қилишда мойил шахс хулқининг салбий йўналиш касб этиши унинг ижтимоий руҳий, психо-физиологик хислатлари муайян ҳаётий вазият билан алоқада бўлгандагина вужудга келади. Шунинг учун виктимология нафақат шахсларнинг виктимлик даражасини, балки виктимоген хусусиятга эга вазиятни ҳам ўрганади. Виктимоген вазият ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи бўлишга мойил шахснинг муайян хислатлари ва хулқ-атвори билан боғлиқ равишда юзага келадиган аниқ ҳаётий вазият бўлиб, унда жабрланувчига ҳуқуқбузарлик ёки жиноий йўл билан жисмоний, мулкӣ ёки маънавий зарар етказилиш учун пайдо бўладиган имконият ҳисобланади⁹.

Аёлларни ўз жонига қасд қилиш ниятининг пайдо бўлиши ва амалга ошишига жабрланувчиларнинг шахсий, руҳий хислатлари уларнинг хулқи ва ҳуқуқбузар билан ўзаро муносабатларига хос хусусиятлари кўмаклашганлиги сабабли бугунги кунда бундай тоифадаги фуқаролар муайян қисмининг виктимлигини камайтириш профилатиканинг асосий йўналишларидан бири бўлиши керак. Жамиятда ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчи бўлишга мойил одамлар қанчалик кам бўлса, шунингдек, улардаги виктимлик даражаси паст даражада бўлса, жиноятчиликка қарши кураш фаолиятида самара бериши мумкин¹⁰.

Жабрланувчилар билан профилактика ишларини олиб бориш давомида уларнинг кўрсатма бериш мобайнида хатога йўл қўймасликлари учун доимо уларнинг жиноят содир этилаётган вақтдаги ҳолати ва жиноятчи шахсини идрок этиш хусусиятларини инобатга олиш жуда муҳим саналади. Улар ҳис қилаётган кўрқув, ғазаб, уят, алам каби ҳиссиётлар идрок этишнинг бузилишига шароит яратиб бериши мумкин.

Олимлар томонидан виктимлик бир қанча турларга ажратилади:

- 1) индивидуал виктимлик - муайян шахснинг ижтимоий, биофизиологик ёки руҳий хусусиятларига кўра маълум бир ҳаётий вазиятларда жиноят содир этиши ва маълум миқдорда ўзига зарар етказилиши;
- 2) турдош виктимлик – айрим шахсларнинг бир қатор ҳолатлар таъсирида маълум жиноят турларидан жабрланишга мойиллиги;
- 3) гуруҳий виктимлик – ўхшаш ижтимоий демографик, психологик, биофизик ва бошқа хислатларга эга бўлган одамларнинг муайян тоифаларига хос бўлган жиноятлардан жабрланиш қобилияти;

⁸ Гиясов Ш.К. Ҳаётга қарши жиноятларни очиш фаолиятида қотиллик атамасидан фойдаланиш ва уни тавсифлаш масаласига доир айрим мулохазалар//Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ахборотномаси, 2015, – №2. – Б.48-52.

⁹ Парфиев Ё.А. ва бошқ. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти психологияси. Дарслик. –Академия.Т.: 2015. –Б.348.

¹⁰ Надтока С.В. Виктимологические аспекты профилактики насильственных преступлений. Автореф. Д. исс. канд.юрид. наук. 1999. – С.207.



4) оммавий виктимлик – аҳоли маълум бир қисмининг ўзларининг субъектив хусусиятлари туфайли объектив тарзда жиноятлардан жабрланиши¹¹.

Хулоса қиладиган бўлсак, юқорида кўрсатилган виктимлик ҳолатларида асосий омиллардан бири сифатида жабрланувчининг муайян хусусиятлари кўрсатиб ўтилган. Таъкидлаш жоизки, шахснинг виктим ҳолатга тушиб қолишига нафақат ўзининг субъектив хусусиятлари балки, бошқа омиллар ҳам таъсир этади, яъни, шахс ўзининг шахсий хусусиятлари билан бир қаторда уларнинг бошқа омиллар билан уйғунлашуви натижасида ҳам жиноятлардан жабрланиши мумкин.

References:

1. Wonders Lists. <http://www.info.islom.uz/jamiyat/item/2017-zhinsij-zoravonlik-avzh-olgan-mamlakatlar-10-taligi.html>.
2. Wonders Lists. <http://www.info.islom.uz/jamiyat/item/2017-zhinsij-zoravonlik-avzh-olgan-mamlakatlar-10-taligi.html>.
3. The Criminologist – Online newsletter of the American Society of Criminology (CША) – <http://www.asc41.com/criminologist.html>; Тўраева Д.Р. Жабрланувчи манфаатларини ҳимоя қилишда АҚШ тажрибасига оид баъзи мулоҳазалар // Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг Ахборотномаси, 2013, . – №2. – Б.93.
4. ¹ D. Macfarlane, 'Mediation in France' in N. Alexander (ed.), *Global Trends in Mediation* (Netherlands: Kluwer Law International, 2006) – p. 200.
5. ¹ такие как Association pour la Promotion de la Mediation Familiale (AMPF), Federation Nationale de la Mediation Familiale (FENAMEF).
6. ¹ Circular No. DGAS/4A/2002/376, <www.unaf.fr/article.php3?id_article=819>.
7. Хаткова Ф.Х. Виктимологические аспекты женской преступности. Автореф. дисс...канд.юрид. наук, -М.: 2004. – С.186.
8. Гиясов Ш.К. Ҳаётга қарши жиноятларни очиш фаолиятида қотиллик атамасидан фойдаланиш ва уни тавсифлаш масаласига доир айрим мулоҳазалар//Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг Ахборотномаси, 2015, – №2. – Б.48-52.
9. Парфиев Ё.А. ва бошқ.Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти психологияси. Дарслик. –Академия.Т.: 2015. –Б.348.
10. Надтока С.В. Виктимологические аспекты профилактики насильственных преступлений. Автореф. Д. исс. канд.юрид. наук. 1999.. – С.207.
11. Исмаилов И., Абдурасулова Қ.Р., Фазилов И.Ю. Криминология. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2014.

¹¹ Исмаилов И., Абдурасулова Қ.Р., Фазилов И.Ю. Криминология. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2014.